

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ  
“ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” ФАКУЛЬТЕТИ  
“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИ

**ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ**

**Т У Ш И Н Т И Р И Ш    Х А Т И**

**Диплом лойиҳасининг мавзуси:** “Андижон механика корхонаси” МЧЖ шароитлари учун “113.02.05 Качалка” деталини тайёрлаш технологик жараёнини ва операцияларининг технологик таъминот воситалари конструкцияларини ишлаб чиқиш.

**Йўналиш:** Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш.

IV курс 113-14 гуруҳ талабаси:	Д.И. Мамасолиев
Кафедра мудири:	Х.У. Акбаров
Рахбар:	А. Обидов
Маслахатчилар:	
Технологик қисми:	А. Обидов
Конструкторлик қисми:	А. Обидов
Хаёт фаолияти хавфсизлиги қисми:	Н. Зулунов
Иқтисодий қисми:	З. Тешабоева

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ  
“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” ФАКУЛЬТЕТИ  
“МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ” КАФЕДРАСИ  
ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

**Т О П Ш И Р И Қ**

**Мамасолиев Давронбек Исроилжон ўғли**

**1. Диплом лойиҳасининг мавзуси:**

“Андижон механика корхонаси” МЧЖ шароитлари учун “113.02.05 Качалка” детални тайёрлаш технологик жараёнини ва операцияларининг технологик таъминот воситалари конструкцияларини ишлаб чиқиш.

Институт бўйича 2018-йил 17-апрелдаги 88-сонли буйруқ билан тасдиқланган.

**2. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, илмий-техник адабиётлар, ўқув кулланмалар, интернет маълумотлари, детал ишчи чизмаси, ишлаб чиқариш дастури.

**3. Тушинтириш хатида келтириладиган маълумотлар:**

**1) Кириш.** Ўзбекистон Республикасининг ривожланишида машинасозлик саноатининг рўли ва аҳамияти, қарор ва фармонлар, диплом лойиҳасининг мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумотлар ёритилади.

**2) Умумий қисм.** Деталнинг хисмат вазифаси, ишлаб чиқариш турини аниқлаш, детал конструкциясини технологикликка таҳлили ва бошқалар.

**3) Технологик қисм.** Заготовка олиш турини танлаш, технологик жараён маршрутини ишлаб чиқиш, заготовкага ишлов беришда қўйим ҳисоби, кесиш маромларини ҳисоблаш, вақт меёрини ҳисоблаш.

**4) Конструкторлик қисм.** Дастгоҳ мосламаси, кесувчи асбоб ва ўлчов воситаларини бани ва ҳисоблари.

**5) Хаёт фаолияти хавфсизлиги қисми.** Лойиҳаланаётган ишчи жойини меҳнат шароитларини таърифи, ишлаб чиқариш жойида ёритиш тизимини танлаш, вентиляция тизимини танлаш, электр хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, алоқа ёнғин сигнализация тизими ва бошқалар, меҳнат хавфсизлиги бўйича барча талаблар ва қонун қоидалар.

**6) Иқтисодий қисм.** Технологик жараённинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

7) **Хулоса.** Бажарилган диплом лойиҳаси бўйича хулосалар ва таклифлар ёритилади.

8) **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.** Бажарилган диплом лойиҳаси бўйича фойдаланилган адабиётлар рўйхати тузилади.

9) **Иловалар.** Спецификациялар ва технологик жараён хужжатлари.

**4. Диплом лойиҳасининг чизмалари рўйхати:**

1. Заготовка ва детал чизмалари. (A2)
2. Технологик сошлаш эскизлари. (A2)
3. Технологик сошлаш эскизлари. (A2)
4. Дастгоҳ мосламаси чизмаси. (A2)
5. Кесувчи асбоб чизмаси. (A2)
6. Ўлчов воситаси ёки механик йиғув цех режаси (План). (A2).

**5. Диплом лойиҳасининг бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:**

№	Диплом лойиҳасининг қисмлари	Бошланиш муддати	Тугалланиш муддати	Имзо	Маслаҳатчининг фамилияси ва исми
1	Технологик қисми	11.01.18 й.	14.04.18 й.		А. Обидов
2	Конструкторли к қисми	14.04.18 й.	10.05.18 й.		А. Обидов
3	Хаёт фаолияти хавфсизлиги қисми	10.05.18 й.	21.05.18 й.		Н. Зулунов
4	Иқтисодий қисми	10.05.18 й.	21.05.18 й.		З. Тешабоева

**6. Топширик берилган сана:**  
й.

11.01.2018

**Диплом лойиҳасини ҳимоя қилувчи:**

*Д.И. Мамасолиев*

\_\_\_\_\_  
(имзо)

**Рахбар:**

*А. Обидов*

\_\_\_\_\_  
(имзо)

**Кафедра мудири:**

*Х.У. Акбаров*

\_\_\_\_\_  
(имзо)

## Мундарижа

КИРИШ. ....	8
2. УМУМИЙ ҚИСМ. ....	10
2.1. Детални хизмат вазифаси. ....	10
2.2. Ишлаб чиқариш турини аниқлаш. ....	11
2.3. Детал тузилишининг технологикликлиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари. ....	12
3. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ. ....	14
3.1. Заготовка турини танлаш ва уни олиш усулини аниқлаш. ....	14
3.2. Технологик жараён маршрутини ишлаб чиқиш. ....	16
3.3. Заготовкага ишлов беришда қўйим ҳисоби. ....	16
3.4. Кесиш маромларини ҳисоблаш ва асосий вақтни аниқлаш. ....	19
3.5. Сарфланган техник вақт меъёрини ҳисоблаш. ....	24
4. КОНСТРУКТОРЛИК ҚИСМ. ....	26
4.1. Дастгоҳ мосламасини ҳисоблаш ва лойиҳалаш. ....	26
4.2. Кесувчи асбобни баёни ва ҳисоби. ....	27
4.3. Механик йиғув цехини лойиҳалаш. ....	28
5. МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ (Хаёт фаолияти хавфсизлиги) бўлими. ....	32
6. ИҚТИСОДИЙ БЎЛИМ. ....	39
7. ХУЛОСА. ....	45
8. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ. ....	46
9. ИЛОВАЛАР. ....	48

## КИРИШ.

Юрт истиқболи, равнақи йўлида ҳар биримиз маъсулмиз!!!

Дарҳақиқат бугунги даврда биз ёшлар келажак пойдевори, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бугунги кунда иқтисодиётнинг барча жабхаларида кескин бурилишлар, ўзгаришлар ва ривожланишлар содир бўлмоқда. Ушбу ривожланишларнинг асосий сабаби эса оқилона юритилаётган иқтисодий жараёнлар ва тадбиркорликка асосланган ҳолда қабул қилинаётган молиявий қарорлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонидан келиб чиқиб саноатни ривожлантириш бўйича комплекс чора тадбирлар қуйидагиларни ҳал қилишга қаратилган: корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мосланувчан технологияларни кенг жорий этиш; қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Давлатимизнинг дунёдаги саноати ривожланган мамлакатларидан ўз ўрнини эгаллашда юқори малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да кўрсатилган асосий масаладир. Бундай мутахассислар замонавий машина ва жиҳозларни ишлаб чиқаришни, лойиҳалашни, автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимларидан фойдаланишни, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар асосида юқори унумдорликдаги мосланувчан ишлаб чиқариш модулларни ва автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ҳар томонлама билишлари ва улардан фойдалана олишлари керак. Шунинг учун диплом лойиҳаси замонавий машина ва жиҳозларини ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш мақсадида илғор техника ва юқори технологиялардан фойдаланган ҳолда бажарилиши керак.

Жамиятнинг моддий техника базасини яратувчи ва мамлакатимизнинг техник тараққиётини ривожланишини белгиловчи соҳа машинасозликдир. У саноатнинг турли тармоқларини янги техника, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайди. Шу сабабли машинасозлик ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ривожланишига катта таъсир кўрсатувчи саноатнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Ўзбекистон Республикамиз машинасозлиги ривожланишида улкан ва маъсулиятли вазифалар турибди.

## 2. УМУМИЙ ҚИСМ.

### 2.1. Детални хизмат вазифаси.

Бизга берилган деталимиз машинасозликда, саноатда, қишлоқ хўжалигидаги машина, механизм ва узелларда жуда кўплаб фойдаланилади. Детали “Качалка” деб номланиб, унинг материали Сплав АК6М2 ГОСТ 1583-93 бўлиб, ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида ишлаб чиқилади. Вал номли деталимиз ўз ўқи атрофида айланувчи деталлар синфига кириб у айланма ҳаракатни узатиш учун хизмат қилади. Деталнинг умумий талаб этилаётган юза тозалиги  $Rz=40$  бўлиб, 9 квалитет аниқлигида ишлов бериш керак. Деталимиз ҳаракатни буровчи моментларни узатиш, таянч вазифаларини бажаради. Поғоналар сони 4 та бўлиб, улар турли хил аниқликдадир. Детални асосий А, Б, С, Ф, Д, Ж, К, Н, Е юзалари мавжуд.

Ишлаб чиқариш учун заготовка танлашда ишлаб чиқариш серияси ва унга боғлиқ равишда заготовка аниқлик даражасини ҳисобга олиш зарур, чунки қуйиш сеҳларида заготовка аниқлик даражасида боғлиқ равишда механизация ишлари бажарилади ва бу сарф аниқликка боғлиқ ҳолда метал тежамкорлиги билан қопланади. “Качалка” номли деталимиз материали Сплав АК6М2 ГОСТ 1583-93 бўлиб. Детални заготовкини олишда думалоқ иссиқлайин прокат орқали ГОСТ 2590-71 га [1.28 бет] асосан оламин.

*1-жадвал*

Пўлат 45 нинг кимёвий таркиби (ГОСТ 1050-88),

Cu	Si	Mn	Ni	Cr
2,2	0,9	0,6	0,1	0,30

*2-жадвал*

Пўлат 45 нинг механик хоссаси

Механик хоссаси					
$v_g$ , кг/мм <sup>2</sup>	$\Gamma_{oc}$ , кг/мм <sup>2</sup>	$\delta_s$ , %	$\Psi$ , %	$d_n$ , кг/мм <sup>2</sup>	НВ
41	36	17	40	8	220

## 2.2. Ишлаб чиқариш турини аниқлаш.

Ҳар бир машинасозлик корхонаси бир йил давомида ишлаб чиқаришга керак бўлган маҳсулот ва захира қисмларининг малумотига эга. Бу малумот ишлаб чиқариш дастури деб аталади ва унда малумотни тури, сони, ўлчами ва материали тўғрисида ҳам етарлича ахборот бор. Корхонанинг умумий ишлаб чиқариш дастурига асосан сеҳлар бўйича ишлаб чиқариш дастури тузилади. Ҳар бир маҳсулот умумий кўринишининг чизмаси, деталларнинг ишчи чизмаси, йиғув чизма, спецификациялар ва техник талаблар билан бойитилади.

Ишлаб чиқариш дастурининг хажми, маҳсулот таснифи, жараённинг техник ва иқтисодий шартларига асосан шартли равишда учта ишлаб чиқариш тури мавжуд: донали, серияли, ялпи. Ҳар бир ишлаб чиқариш тури ўзига хос ташкилий шаклга эга. Шунини айтиш керакки, битта корхонада хар-хил ишлаб чиқариш турлари бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш тури ва унга тўғри келадиган ишни ташкил қилиш шакли технологик жараёни таснифини ҳамда унинг тузилишини аниқлайди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш турини аниқлаш деталга механик ишлов бериш технологик жараёни лойихалашни бошланғич асосий босқичидир.

Берилган йиллик дастурга асосан ишлаб чиқариш қадамини қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади.

$$t_b = \frac{F_g \cdot 60}{N} = \frac{4029 \cdot 60}{26000} = 9,29 \frac{daq}{dona}$$

Бу ерда:  $\Phi_D = 4029 soat$  – дастгоҳларни бир йиллик ҳақиқий ишлаш вақти фонди;  $N=26000$  дона – йиллик ишлаб чиқариш дастури.

Бўлимдаги иш тартиби 2 сменали. Серияли ишлаб чиқарувда деталларни партияларга бўлиб ишлов бериш сабабли партиядаги деталлар сонини ҳисоблаб топиш талаб қилинади.

$$n = \frac{N \cdot a}{F} = \frac{26000 \cdot 6}{254} = 614.1 \text{ dona}$$

Бу ерда:  $a=3,6,12,24$  кун – партиядаги деталларни ишлов беришга киритилиш даври;  $F=254$  кун – бир йилдаги иш кунлари сони.

### 2.3. Детал тузилишининг технологиклиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари.

Машинасозликда деталларни механик ишлов беришда асосан уларни технологиклиги ва унинг миқдорий кўрсаткичлари рол ўйнайди. Демак детални конструктив ўлчамлари ва уларга қўйилган техник талабларни ўрганилиб юзаларга механик ишлов беришда уларга аҳамият бериш лозим. Детали “Качалка” деб номланиб, унинг материали Пўлат 45 ГОСТ 1050-88 бўлиб, ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида ишлаб чиқилади. Деталлнинг умумий талаб этилаётган юза тозалиги  $Rz=40$  бўлиб, 9 квалитет аниқлигида ишлов бериш керак. Деталимиз харакатни буровчи моментларни узатиш, таянч вазифаларини бажаради.

Технологик кўрсаткичларини аниқлаймиз.

Ўлчам аниқлиги бўйича қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$T = \frac{\sum T_i n_i}{\sum n_i};$$

Бу ерда  $T_i$  -квалитетдаги ўлчамлар

$n$ -ўлчамлар сони

Бизнинг ҳолат учун 8-квалитет да 1 ўлчам

9-квалитетда 3 ўлчам

Ушбу қийматларни формулага қўйиб:

$$T = \frac{\sum T_i n_i}{\sum n_i} = \frac{8 \cdot 1 + 9 \cdot 3}{4} = 8,75 \text{ кв}$$

Демак деталимиз 8,75 кв ўлчам аниқлигидадир.

Аниқлик коэффицентини қуйидаги формула орқали аниқлаймиз

$$K_{or} = 1 - \frac{1}{T_{or}} = 1 - \frac{1}{8,75} = 0,885$$

Юза тозалиги бўйича ҳисобларни давом этамиз

$$Ш_{or} = \frac{\sum Ш_i n_i}{\sum n_i};$$

бу ерда:

$Ш_i$  -юза тозалиги бўйича аниқлик;

$n_i$  -юзалар сони;

Бизнинг ҳолат учун

1 та юза 1.6 мкм дан;

1 та юза Rz 20 дан;

4 та юза Rz 80 дан;

У ҳолда юза тозаликлари бўйича детал аниқлиги:

$$Ш_{or} = \frac{\sum Ш_i n_i}{\sum n_i} = \frac{1 \cdot 1,6 + 1 \cdot 1,6 + 1 \cdot 1,6 + 1 \cdot 1,6 + 1 \cdot 20 + 1 \cdot 80}{9} = 11,8 \text{ мкм}$$

У ҳолда юза тозалик коэффициенти

$$K = \frac{1}{Ш_i} = 0,048$$

Бу ҳисоблардан кўриниб турибдики деталimiz ўлчам аниқлиги бўйича 9-квалитет аниқлигида юза тозалиги бўйича Rz =40 мкм бўлади.

### 3. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ.

#### 3.1. Заготовка турини танлаш ва уни олиш усулини аниқлаш.

Машинасозликда заготовкларни олиш энг долзарб масалалардан биридир. Агарда заготовкларни олишда детал ўлчамлари ва юза тозаликларига яқинлаштира олинса у холда иқтисодий жиҳатдан, металдан фойдаланиш ўсишга, меҳнат хажмини камайишга эришилади. Шунинг учун уларни олишни энг оптимал олиш усулидан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Заготовклар тоза ва хомаки заготовкларга бўлинади.

Тоза заготовка деганда тайёрлангандан кейин кесиб ишланмайдиган, ўлчамлари ва тозалиги тайёр детал чизмасида кўрсатилган ўлчам ва тозалikka тўғри келадиган заготовклар тушунилади.

Хомаки заготовклар чизма талабларига мувофиқ келадиган ўлчам, аниқлик ва тозаликдаги детал ҳосил қилиш мақсадида қўйим кесиб олиш учун механик ишланиш зарур бўлган заготовклардир.

Машина деталлари учун заготовклар асосан қуйидаги усуллар билан тайёрланади:

- 1) қора ва рангли металллардан қуйиш йўли билан;
- 2) босим билан ишлаш (болғалаш ва штамплаш) орқали;
- 3) қора ва рангли металллар прокатидан;
- 4) металлокерамикадан (кукун металлургияси йўли билан);
- 5) пайвандлаш – заготовка қисмларини бир бутун қилиб улаш йўли билан;
- 6) металмас материаллардан (пластик массалар ва бошқалардан).

Заготовка олиш усулини танлаш, детални ўлчам ва материали, ишчи вазифаси, уни тайёрлашга техник талаблар, йиллик дастур ва умумий тузилиши каби омиллар белгилаб беради. Бу масалани хал қилишда заготовка ўлчами ва тузилиши детални ўлчам ва тузилишига максимал яқин бўлишини тaminлаш керак. Лекин шунинг унутмаслик керакки, заготовка аниқлигини ошириш ва тузилишини мураккаблаштириш уни таннархини

ошишига олиб келади. Шунинг учун ҳам заготовка олишни оптимал усули қилиб, заготовка таннархи кам бўлгандаги усули ҳисобланади.

Заготовка олишни мавжуд усуллари таҳлил қилиб, берилган ишлаб чиқариш шароитида деталимиз учун заготовкани оптимал тайёрлаш усули иссиқлайн штамплаш усулидан фойдаланамиз.

$$C_{заг} = M + \sum C_{o.z}$$

Бу ерда:

$M$ -заготовка материалнинг сарфланиши;

$\sum C_{o.z}$  -технологик операцияни тўғрилаш учун, донали заготовклар қиймати;

$$C_{o.z} = \frac{C_{n.z} \cdot T_{дона}}{60 \cdot 100};$$

Бу ерда:  $C_{n.z}$  -ишчи жойида келтирилган сарф (сўм/соат)

$T_{дона}$  -битта операция учун донабай калкуляция вақти; [25] дан бир соат жиҳоз иши учун  $d=55$  мм гача  $C_{n.z}=883$ ;  $D=140$  мм гача 1838-1629 сўм/соат.

$$C_{o.z} = \frac{C_{n.z} \cdot T_{дона}}{60 \cdot 100} = \frac{883 \cdot 2.4}{60 \cdot 1000} = 0.035 \text{ сўм /соат.}$$

Прокатнинг оғирлигига кўра заготовка материалнинг сарфини аниқлаймиз:

$$M = QC - (Q - q) \frac{S_{чик}}{1000} = 3.2 \cdot 320 - (3.2 - 2.4) \frac{21600}{1000} = 1041.28$$

Бу ерда:

$Q$ - заготовка оғирлиги кг;

$C$ - бир кг заготовка материалнинг бахоси сўм;

$q$ -деталнинг йиллик массаси кг;

$S_{чик}$  -бир тонна чиқинди бахоси сўм;

$$C_{заг} = M + \sum C_{o.z} = 1041.28 + 0.73 = 1042.01 \text{ сўм.}$$

Металдан фойдаланиш коэффициенти аниқлаймиз:

$$K_{мф} = \frac{Q_{дет}}{Q_{заг}};$$

Бу ерда:  $Q_{дет}$  - детал оғирлиги кг;  $Q_{заг}$ -заготовка оғирлиги.

$$K_{мф} = \frac{Q_{дет}}{Q_{заг}} = \frac{5,2}{7,5} = 0.69$$

### 3.2. Технологик жараён маршрутини ишлаб чиқиш.

3-жадвал

№	Операция номи ва ўтишлар мазмуни	Базалаш юзаси	Махкамлаш юзалари	Дастгоҳ номи ва тури
005	Загатовка олиш			
010	<b>Пармалаш операцияси.</b> 1. Н юзада Ø4мм, l=7мм улчамда 4та тешик кетма-кет пармалансин.	А, Б, С, Ф	А, С, Д	2Н125 Пармалаш дастгоҳи
015	<b>Фрезалаш операцияси</b> <u>А-ўрнатиш</u> 1. А юзадан уқлараро масофаси 45° остида, b=2мм, l=17мм ўлчамлар сакланиб фрезалансин. <u>Б-ўрнатиш.</u> 1. К юзада Ø50x10, b=3.5мм ўлчамлар сакланиб фрезалансин.	Ж, Ф, Е  А, Б, С, Ф	Ж, Ф  А, С, Д	6Т13 Вертикал фрезалаш дастгоҳи

### 3.3. Загатовкага ишлов беришда қўйим ҳисоби.

А, Б сирт юзалар учун қўйим миқдорини аниқлаймиз. Деталлнинг узунлиги  $L=32_{-0,5}$  мм. А, Д, С юзалар учун 005 – Токарлик операцияси. Юза ғадир-будирлиги  $Rz=40$  мкм.

Қарама-қарши жойлашган юзаларга параллел ишлов беришда қўйимларни аниқлаш қуйидаги формула ёрдамида аниқланади [3, 62 б.]:

$$2z_{i_{min}} = 2(R_{z_{i-1}} + T_{i-1} + \rho_{i-1} + \varepsilon_i),$$

Загатовка учун профилнинг нотекисликлари баландлиги ( $R_z$ ) ва сирт катламдаги нуқсонлар чуқурлиги ( $T$ ) ни жадвалдан оламиз:

- 1) загатовка учун:  $R_z=200$  мкм;  $T=300$  мкм [4, 186 б.];

2) *торецлаш* учун:  $R_z=50$  мкм;  $T=50$  мкм [4, 188 б.].

Допусклар миқдори [4, 192 б.];

- заготовка учун  $\delta=2000$  мкм;
- *торецлаш* учун  $\delta=500$  мкм.

Фазовий четланишларнинг умумий йиғиндиси қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$\rho_k = \Delta_k \cdot L_{дет} = 1 \cdot 32 = 32 \text{ мкм.}$$

Бу ерда  $\Delta_k=1$  мкм – заготовканинг нисбий эгрилиги, [3, 186 б.]

Ўрнатишдаги хатолик эса

$$\varepsilon_{\ddot{y}} = \sqrt{\varepsilon_6^2 + \varepsilon_M^2}$$

Берилган деталда ўлчов база билан ўрнатиш базаси бир-бирига мос келгани учун базалаш хатолиги  $\varepsilon_b=0$  га тенг деб қабул қиламиз. У ҳолда

$$\varepsilon_y = \varepsilon_m = 370 \text{ мкм, ([1] 76 - bet 4,10 jad).}$$

Бу ерда  $\varepsilon_M$  – мустаҳкамлашдаги хатолик,  $\varepsilon_M = 370$  мкм [3, 75 б.].

Қўйимнинг минимал қиймати қуйидагига тенг:

$$2z_{i_{min}} = 2 \cdot (50 + 50 + 32 + 370) = 2 \cdot 502 = 1004 \text{ мкм.}$$

Заготовканинг ҳисобий ўлчамларини аниқлаймиз:

$$L_{\text{хис}1} = 32 \text{ мм.}$$

$$L_{\text{хис}0} = 32,5 + 1,6 = 33,6 \text{ мм.}$$

$$L_{\text{хис}0} = L_{\text{макс}0} = 33,6 + 2 = 35,6 \text{ мм.}$$

Қўйимларнинг энг катта ва энг кичик қийматлари йиғиндисини аниқлаймиз:

$$z_{\text{ум.}min}^{\text{ч}} = 1600 \text{ мкм.}$$

$$z_{\text{ум.}max}^{\text{ч}} = 3100 \text{ мкм.}$$

Ҳисоблар тўғрилигини текшираемиз.

$$z_{\text{ум.}max}^{\text{ч}} - z_{\text{ум.}min}^{\text{ч}} = \delta_3 - \delta_d$$

$$3100 - 1600 = 2000 - 500$$

$$1500=1500$$

Ҳисоблар тўғри бажарилган.

Берилган деталда В юзани  $D=4\text{мм}$   $L=7\text{мм}$  узунликда қора йўнилсин. Йўнишда қўйимлар миқдорини ва оралик чегаравий ўлчамларни ҳисоблаймиз.

Заготовка  $Rz=200\text{ мкм}$   $T=300\text{ мкм}$ . ([3] 63-бет 4,3 жад)

Қора йўнишда  $Rz=50\text{ мкм}$  ,  $T=50\text{ мкм}$ .

Қўйимнинг ташқи юзаларини ҳисоблашда:

$$2Z_{i_{\min}} = 2(Rz_{i-1} + T_{i-1} + \sqrt{\rho^2_{i-1} + \varepsilon^2}) \quad ([3] \text{ 62-бет } 4,2 \text{ жад}).$$

Берилган заготовкамиз учун фазовий четланишларнинг умумий қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\rho_{\text{кор}} = \Delta_k \cdot L \quad ([3] \text{ 68-бет } 4,7 \text{ жад}).$$

$$\Delta_k = 0,75; \quad L = 7 \text{ мм}$$

$$\rho_{\text{кор}} = \Delta_k \cdot L = 0,75 \cdot 7 = 5,25 \text{ мкм}$$

Қора ишлов беришдан сўнг қолдиқ фазовий четланиш қуйидагига тенг бўлади:

$$\rho_u = \sqrt{\frac{\delta^2}{2} + 0,25^2} = \sqrt{\frac{0,039^2}{2} + 0,25^2} = 0,25 \text{ мм}$$

$$\rho = \sqrt{\rho_{\text{кор}}^2 + \rho_u^2} = \sqrt{5,25^2 + 0,25^2} = 5,5 \text{ мм} \quad ([3] \text{ 63-бет } 4,3 \text{ жад}).$$

Ўрнатишда ҳосил бўладиган хатоликларни аниқлаймиз.

$$\varepsilon_y = \sqrt{\varepsilon_m^2 + \varepsilon_0^2} \quad ([1] \text{ 73-бет}).$$

Берилган деталда ўлчов база билан ўрнатиш базаси бир-бирига мос келгани учун базалаш хатолиги  $\varepsilon_0=0$  га деб қабул қиламиз. У ҳолда

$$\varepsilon_{y_1} = \varepsilon_m = 370 \text{ мкм}, \quad ([3] \text{ 76 - bet } 4,10 \text{ жад})$$

Қийматларга асосан оралик, ўтишлардан минимал қўйимларни қийматларини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаймиз:

Йўнишда минимал қўйим миқдори.

$$\text{Қора } 2Z_{i_{\min}} = 2(Rz_{i-1} + T_{i-1} + \sqrt{\rho^2_{i-1} + \varepsilon^2}) = 2(50 + 50 + \sqrt{5,25^2 + 370^2}) = 119 \text{ мкм}.$$

Ҳисобий ўлчамни топамиз.

$$D=7+0.039=7,039 \text{ мм}$$

Допуск миқдори

$$\delta_{\text{заг}}=2000 \text{ мкм} \quad \delta_{\text{қора}}=39 \text{ мкм.}$$

Ҳисобий ўлчамларни ҳисоблаймиз.

$$D_{\text{қора}}=7,039+2=9,039 \text{ мм};$$

$$D_{\text{заг}}=9,039+1,541=10,58 \text{ мм.}$$

Келтирилган ўлчамларни ҳисоблаймиз:

$$D_{\text{қора}}=9,039-0.033=9,006 \text{ мм};$$

$$D_{\text{заг}}=10,58-0,039=10,541 \text{ мм.}$$

Ҳисобий қўйимларни ҳисоблаймиз:

$$Z_{\text{max}}^{\text{np}} = 10,58 - 10,039 = 0,541 \text{ мкм}$$

$$Z_{\text{min}}^{\text{np}} = 10,541 - 10,006 = 0,535 \text{ мкм}$$

Текшириш.

$$Z_{\text{max}}^{\text{np}} - Z_{\text{min}}^{\text{np}} = 0,541 - 0,535 = 0,006 \text{ мкм}$$

$$\delta_{\text{заг}} - \delta_1 = 0,039 - 0,033 = 0,006 \text{ мкм.}$$

Демак ҳисоб тўғри.

### 3.4. Кесиш маромларини ҳисоблаш ва асосий вақтни аниқлаш.

010. Пармалаш операцияси.

1-ўтиш. Н юзада  $\varnothing 4$ мм,  $l=7$ мм ўлчамда пармалансин. Заготовка материали Пўлат 45 бўлиб,  $\sigma_B=490$  Мра. Кесувчи асбоб ва унинг геометрик параметрлари: Спирал парма, кесувчи қисм материали: тезкесар пўлат Р6М5. Геометрик ўлчамлари:  $2\varphi = 118^\circ$ ;  $2\varphi_0 = 70^\circ$ ;  $\psi = 30^\circ$ ;  $\alpha = 11^\circ$  ([9] 203 б, 44-ж)

1. Кесиш чуқурлигини белгилаймиз:

$$t=D/2=4/2=2\text{мм.}$$

2. Суриш қийматини аниқлаймиз:

$$S_o=0.20-0.25\text{мм/айл.} \quad ([3], 2.38\text{-ж, } 62\text{-б})$$

Дастгоҳ паспорти бўйича коректировкалаб  $S_o=0.2$  мм/айл.ни қабул қиламиз.

Парманинг турғунлик даврини аниқлаймиз:

$$T = 25 \text{ дақиқани қабул қиламиз.} \quad ([3], 2.43\text{-ж, } 66\text{-б})$$

3. Кесишдаги асосий ҳаракат тезлигини аниқлаймиз:

$$v = \frac{C_v \cdot D^q}{T^m \cdot S^y} \cdot K_v \text{ м/дақ}$$

Формуладаги коэффициентлар ва даража кўрсаткичларини ёзиб оламиз:

$$C_v=7, q=0.40, y=0.70, m=0.20 \quad ([3], 2.41\text{-ж, } 64\text{-б})$$

Тўғрилаш коэффициентини топамиз:

$$K_v = K_{mv} \cdot K_{uv} \cdot K_{lv}$$

$K_{mv}$ - ишлов берилаётган материални ҳисобга олувчи коэффициент;

$$K_{mv} = K_r \left( \frac{750}{\sigma_B} \right)^{n_v} \quad ([3], 2.1\text{-ж, } 34\text{-б})$$

$$n_v = -0.9; K_r = 1 \quad ([3], 2.2\text{-ж, } 35\text{-б})$$

$$K_{mv} = 1 \cdot \left( \frac{750}{490} \right)^{-0.9} = 0.68$$

$K_{uv}$ - Кесувчи асбоб кесувчи қисмини материални ҳисобга олувчи коэффициент;

$$K_{uv} = 1 \quad ([3], 2.6\text{-ж, } 37\text{-б})$$

$K_{lv}$ - Тешик узунлигини ҳисобга олувчи коэффициент

$$K_{lv} = 1 \quad ([3], 2.44\text{-ж, } 67\text{-б})$$

$$K_v = 0.68 \cdot 1 \cdot 1 = 0.68$$

$$V = \frac{7 \cdot 25^{0.4}}{25^{0.2} \cdot 0.2^{0.7}} \cdot 0.68 = \frac{7 \cdot 2.4}{1.9 \cdot 0.324} \cdot 0.68 = 18,56 \text{ м/дақ}$$

4. Шпиндел айланишлар частотасини ҳисоблаймиз:

$$n = \frac{1000V}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 18,56}{3.14 \cdot 4} = 1477,7 \text{ дақ}^{-1}$$

Дастгоҳ паспорти бўйича айланишлар частотасини коректировка қилиб, ҳақиқий айланишлар частотаси  $n=1500$  айл/дақ. қабул қиламиз;

5. Кесиш жараёнида асосий ҳаракатнинг ҳақиқий тезлиги:

$$V_{\text{xaq}} = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3.14 \cdot 4 \cdot 1500}{1000} = 18,8 \text{ м / дақ}$$

6. Буровчи моментни аниқлаймиз:

$$M_{kp} = 10 \cdot C_m \cdot D^q \cdot S^y \cdot K_p;$$

Буровчи момент учун:

$$C_m = 0.0345; q = 2.0; y = 0.8; \quad ([3], 2.45\text{-ж}, 67\text{-б})$$

$$K_p = K_{mp}$$

$$K_{mp} = \left( \frac{\sigma_B}{750} \right)^n \quad n = 0.75 \quad ([3], 2.9\text{-ж}, 38\text{-б})$$

$$K_{mp} = \left( \frac{490}{750} \right)^{0.75} = 0.73$$

У холда:

$$M_{kp} = 10 \cdot 0.0345 \cdot 9^{2.0} \cdot 0.2^{0.8} \cdot 0.73 = 5,71 \text{ Н} \cdot \text{м}$$

7. Ўқ бўйича кучни ҳисоблаймиз:

$$P_0 = 10 \cdot C_p \cdot D^q \cdot S^y \cdot K_p;$$

$$C_p = 68; q = 1.0; y = 0.7; \quad ([3], 2.45\text{-ж}, 67\text{-б})$$

У холда:

$$P_0 = 10 \cdot 68 \cdot 25^{1.0} \cdot 0.2^{0.7} \cdot 0.73 = 1447 \text{ Н}$$

8. Кесишдаги қувват:

$$N_e = \frac{M_{kp} n}{9750} = \frac{5,71 \cdot 1500}{9750} = 0,88 \text{ кВт};$$

9. Асосий вақт:

$$T_{as} = 4 \cdot \frac{L}{n \cdot s} = 4 \cdot \frac{6}{1500 \cdot 0,1}$$

$$T_{as} = 4 \cdot 0,04 = 0,16 \text{ дақ.}$$

Бу ерда:

$$L = y + \Delta + l = 1 + 1 + 4 = 6 \text{ мм};$$

Бу ерда:

$$y = 1 \text{ мм, пармани ботиши};$$

$$\Delta = 1 \text{ мм, пармани чиқиши};$$

$l=20\text{мм}$ , тешик узунлиги.

015 Вертикал фрезалаш операцияси.

1-Ўтиш: А юзада  $b=2\text{мм}$   $t=17\text{мм}$   $L=17\text{мм}$  узунликда ариқча фрезалансин. Вертикал фрезалаш дастгоҳи 6Т13. Механик ишлов бериш кетма – кетлиги қора фрезалашдан иборат. Механик ишлов беришдан сўнг юзанинг ғадир-будурлиги  $Rz=40$  мкм.га тенг. Заготовка материали Пўлат-45 маркали бўлиб, унинг қаттиқлиги 217 НВ. Фреза ва унинг геометрик элементлари бармоқли фреза танлаймиз кесувчи қисм материали Р6М5 фреза диаметри  $d=10$  мм, тишлар сони  $z=6$ , ([5] 293-бет): геометрик элементлари  $\gamma = 15^\circ; \alpha = 14^\circ; \varphi_1 = 3^\circ$ .

Кесиш маромлари ;

1.Кесиш чуқурлигини аниқлаймиз.

$$t=17 \text{ мм}$$

2.Суриш тезлигини аниқлаймиз.

Пўлат бўлганлиги учун, қаттиқлиги 217 НВ бўлса  $t>5\text{мм}$  бўлса,

$$S=0,06\text{мм/айл} \quad ([5] 651 \text{ бет}, 7 \text{ ж})$$

3.Фреза турғунлик даври

$$T=90 \text{ дақ} \quad ([5] 654 \text{ бет } 7 \text{ ж})$$

4.Кесиш тезлигини топамиз

Пўлатлар учун, кесувчи қисми материали Р6М5 бўлса, бармоқли фреза учун, кесиш чуқурлиги  $t=6\text{мм}$  бўлса суриш тезлиги  $S=0,06$  мм/айл бўлса,

$$V_{\text{ж}}=47 \text{ м/дақ} \quad ([5]654 \text{ бет } 7 \text{ ж})$$

$$T_{\text{ўғри}}\text{лаш коэффициенти } K=1,1 \quad [5] 654 \text{ бет } 7 \text{ ж})$$

$$V=47 \cdot 1,1=51,7 \text{ м/дақ}$$

5.Шпинделнинг айланишлар сони

$$n = \frac{1000v}{\pi D} = \frac{1000 \cdot 51,7}{3,14 \cdot 10} = 1646 \text{ дақ}^{-1}$$

дастгоҳ паспортдан  $n=1600$  айл/дақ қабул қиламиз

6.Кесиш тезли

$$V = \frac{\pi D n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 10 \cdot 1600}{1000} = 50,24 \text{ м/дақ}$$

7.Суриш тезлиги

$$v = C \cdot z \cdot n = 6 \cdot 0,06 \cdot 1600 = 576 \text{ мм/дақ}$$

8.Кесишдаги сарфланган қувват ҳисоблаймиз

$$N = E \frac{v B_z}{1000} k; \text{ бу ерда: } E = 0,24, \quad ([5] \text{ 659 бет 7 ж})$$

$$N = 0,24 \cdot \frac{50,24 \cdot 10 \cdot 6}{1000} \cdot 1,1 = 0,79 \text{ кВт}$$

9.Асосий вақтни топамиз

$$T = \frac{L}{v} = \frac{17}{576} = 0,03 \text{ дақ}$$

2-Ўтиш: К юзада  $b=3,5\text{мм}$   $\text{Ø}50 \times 10$  ўлчамда фрезалансин. Вертикал фрезалаш дастгоҳи 6Т13. Механик ишлов бериш кетма – кетлиги қора фрезалашдан иборат. Механик ишлов беришдан сўнг юзанинг ғадир-будурлиги  $R_z=40$  мкм.га тенг. Заготовка материали Пўлат-45 маркали бўлиб, унинг қаттиқлиги 217НВ. Фреза ва унинг геометрик элементлари бармоқли фреза танлаймиз кесувчи қисм материали Р6М5, геометрик элементлари  $\gamma = 15^\circ; \alpha = 14^\circ; \varphi_1 = 3^\circ$ .

Кесиш маромлари ;

1.Кесиш чуқурлигини аниқлаймиз.

$$t = 3,5 \text{ мм}$$

2.Суриш тезлигини аниқлаймиз.

Пўлат бўлганлиги учун, қаттиқлиги 217 НВ бўлса  $t < 5\text{мм}$  бўлса,

$$S = 0,06 \text{ мм/айл} \quad ([5] \text{ 651 бет, 7 ж})$$

3.Фреза турғунлик даври

$$T = 90 \text{ дақ} \quad ([5] \text{ 654 бет 7 ж})$$

4.Кесиш тезлигини топамиз

Пўлатлар учун, кесувчи қусми материали Р6М5 бўлса, бармоқли фреза учун, кесиш чуқурлиги  $t=4\text{мм}$  бўлса суриш тезлиги  $S=0,06$  мм/айл бўлса,

$$V_{\text{ж}} = 47 \text{ м/дақ} \quad ([5] \text{ 654 бет 7 ж})$$

Тўғрилаш коэффициенти  $K=1,1$  [5] 654 бет 7 ж)

$$V=47 \cdot 1,1=51,7 \text{ м/дақ}$$

5.Шпинделнинг айланишлар сони

$$n=\frac{1000v}{\pi D}=\frac{1000 \cdot 51,7}{3,14 \cdot 50}=329,3 \text{ дақ}^{-1}$$

дастгоҳ паспортдан  $n=300$  айл/дақ қабул қиламиз

6.Кесиш тезлиги

$$V=\frac{\pi D n}{1000}=\frac{3,14 \cdot 50 \cdot 300}{1000}=47,1 \text{ м/дақ}$$

7.Суриш тезлиги

$$v=S \cdot z \cdot n=6 \cdot 0,06 \cdot 300=108 \text{ мм/дақ}$$

Кесишдаги сарфланган қувват ҳисоблаймиз

$$N=E \frac{v B z}{1000} k ; \text{ бу ерда: } E=0,24, \quad ([5] 659 \text{ бет } 7 \text{ ж})$$

$$N=0,24 \cdot \frac{108 \cdot 6 \cdot 6}{1000} \cdot 1,1=4,3 \text{ кВт}$$

8. Асосий вақтни топамиз:

$$T=\frac{L}{v}=\frac{50}{108}=0,46 \text{ дақ}$$

### 3.5. Сарфланган техник вақт меъёрини ҳисоблаш.

Машинасозликда техник вақт меъёрини аниқлашда қисқа аналитик усулда фойдаланилади. Ўрта серияли ишлаб чиқариш шароитида донабай калкуляцион вақт.

$$T_d=t_{as}+t_{yor}+t_{dam}+t_{jx}+\frac{t_{ty}}{n}; \text{ дақ}$$

Бу ерда:  $t_{as}$  - асосий вақт, дақ

$t_{yor}$  - ёрдамчи вақт, дақ

$t_{dam}$  - дамолиш вақти, дақ

$t_{jx}$  - жихозларга хизмат кўрсатиш вақти, дақ

$t_{ty}$  - тайёрлаш яқунлаш вақти, дақ

$N$  - партиядаги деталлар сони, дона

$T_{yor} = T_{do} + T_m + T_{ol} + T_{db}$ ; Бу ерда–детални олиш ва қўйиш учун сарфланган вақт, детални маҳкамлаш учун сарфланган вақт, детални ўлчаш учун сарфланган вақт, дастгоҳни бошқариш учун сарфланган вақт;

$$T_{оп} = T_{ас} + T_{yor}; \text{ дақ}$$

Ишчиларни дам олиш вақти оператив вақтнинг 5% миқдорида олинади;

Жихозларга хизмат кўрсатиш вақти оператив вақтнинг 6% миқдорида олинади;

$$N=26000 \text{ дона } T_{ry}=4800 \text{ дақ}$$

### 005 операция

$$T_{ас}=0,097+0,05=0,147 \text{ дақ}$$

$$T_{ёр}=1,35+0,25=1,6 \text{ дақ}$$

$$T_{оп}=T_{ас}+T_{ёр}=1,747 \text{ дақ}$$

### 010 операция

$$T_{ас}=0,16+0,06+0,32+0,09=0,63 \text{ дақ}$$

$$T_{ёр}=1,83+2,34+2,42+0,47=7,6 \text{ дақ}$$

$$T_{оп}=T_{ас}+T_{ёр}=8,23 \text{ дақ}$$

### 015 операция

$$T_{ас}=1,03+0,46+1,15+1,2=3,84 \text{ дақ}$$

$$T_{ёр}=2,68+2,5+3,61+2,96=11,75 \text{ дақ}$$

$$T_{оп}=T_{ас}+T_{ёр}=15,59 \text{ дақ}$$

5-жадвал

№	Операциялар	Асосий вақт (дақ)	Ёрдамчи вақт (дақ)	Жихозларга хизмат кўрсатиш вақти (дақ)	Дам олиш вақти (дақ)	Тайёрлаш ва яқунлаш вақти (дақ) (1 дона учун)	Донабай вақт (дақ)
1	005	0.147	1.6	0.10	0.08	0.18	2.107
2	010	0.63	7.6	0.49	0.40	0.18	9.23
3	015	3.84	11.75	0.97	0.81	0.18	18.28
							29.62

## 4. КОНСТРУКТОРЛИК ҚИСМ.

### 4.1. Дастгоҳ мосламасини ҳисоблаш ва лойиҳалаш.

Бизга берилган деталimiz ўз ўқи атрофида айланувчи деталлар синфига киради. Деталга механик ишлов беришда фрезалаш-пармалаш дастгоҳидан фойдаланамиз. Деталлни маҳкамлаш учун 3 томонлама қисидан фойдаланамиз. Маҳкамлаш юзаси аниқлиги 9 квалитетдадир.

Деталimiz диаметри  $D_0=70$  мм,  $D_{қис}=38$  мм, қисидаги таъсир этувчи куч:  $P_3=3300$  Н;

$$K=K_1 K_2 K_3 K_4 K_5 K_6=2,5$$

Бу ерда:

$K_1$  – заготовкани текис эмаслиги коэффициентлари;

$K_2$  – асбобни инобатга олувчи коэффициент;

$K_3$  – қисидаги бўлиниш коэффициентлари;

$K_4$  – қисидаги бир ҳил эмаслик коэффициентлари;

$K_5$  – қўлда қисидани қулайлик коэффициентлари;

$K_6$  – ўрнатиш юзасини боғлиқлик коэффициентлари.

Моментни бир ҳиллик шартига асосан қуйидаги формула орқали қисидани кучини ҳисоблаймиз;

$$W_1 = \frac{k \cdot P_3 \cdot D_0}{f_1 \cdot D_{қис}} = \frac{2,5 \cdot 3300 \cdot 70}{0,45 \cdot 38} = 33772 \text{ Н}$$

Бу ерда:  $f_1, f_2$  – ишқаланиш коэффициентлари.

Шартга асосан ўқ бўйича силжиш қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$P_x=0,25 \cdot P_3 \text{ демак}$$

$$W_2 = \frac{k \cdot P_x}{f_2} = \frac{2,5 \cdot 0,25 \cdot 3300}{0,45} = 4600 \text{ Н.}$$

Кулачокнинг умумий радиал таъсир этувчи кучи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$W = \sqrt{W_1^2 + W_2^2} = \sqrt{33772^2 + 4600^2} = 196 \text{ Н}$$

Маҳкамлаш юзамиз аниқлиги 10 кв.дадир.  $E=0,25 \cdot \delta=0,25 \cdot 360=90$  мкм

## 4.2. Кесувчи асбобни баёни ва ҳисоби.

